

АРХИТЕКТУРАДА ЯНГИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Сиддиқов Гапиржон Садирдинович

*Катта Ўқитувчи. Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти, Андижон. ш.
Ўзбекистон .*

E.mail: akhmadjon00@mail.ru

Калит сўзлар: *ўқитиш методикаси, тизим, таълим, ислохот*

Аннотация: *Ушбу мақолада архитектура фанида янги ўқитиш методикаси хақида тушунчалар кўрсатиб берилган*

Ключевые слова: *методика преподавания, система, образование, реформа.*

Аннотация: *В этой статье показаны концепции новой методологии преподавания архитектуры.*

Key words: *teaching methods, system, education, reform.*

Abstract: *This article shows the concepts of a new methodology for teaching architecture.*

Буюк сиёсатчи Нельсон Мандела айтганидек, “таълим – дунёни ўзгартиришга ишлатиш мумкин бўлган энг кучли қуролдир”.

Шу маънода, Ватанимизни келажаги таълим тизимининг стратегик жihatдан тўғри ташкилланганлиги ва ёшларнинг илми, салохиятли кадрлар бўлиб етишишига боғлиқ. Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар барчани қувонтирмоқда. Олий таълим қамровини кенгайтириш мақсадида тизимда ислохотлар амалга оширилмоқда. Менимча, олдимизда турган энг катта вазифа олий таълимга эга бўлган ёшлар сонига параллель равишда унинг сифатини ҳам ошириб боришдан иборат бўлиши керак.

Бунинг учун эса олий таълим муассаларида тўхтовсиз равишда ислохотлар ўтказишни давом эттириш зарур. Айтайлик, бугунги кун архитектураси жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида илмий билимлар ва техник тараққиёт динамикаси билан боғлиқдир. Бунинг учун ҳар бир соҳа мутахассиси ўз касфини эгаси, фидоиси бўлмоғи лозим. Шиддат билан ривожланиб бораётган жамиятда меъмор қандай билим ва салохиятга эга бўлиши керак деган савол туғилади. Бу кўпдан бери ечимини кутиб келаётган саволга жавоб бериш вақти келди деган фикирдаман. Бугун замон талабига жавоб берадиган архитектор жамиятда самарали ижод қилиши учун у қандай имконият ва шароитга эга бўлиши керак. Тўғри ҳар қандай сифатли махсулот ишлаб чиқариш учун шаритдан ташқари билим ва тажриба ҳам керак. Мени мутахассизлигим аслида архитектор 2021 йил Андижон Иқтисодиёт ва Қурилиш Институтининг ташкил қилиниши муносабати билан шаҳар фахрийлар каторида бўлишимга қарамай шу институтда архитектурадан дарс бериб келмоқдаман. Мени олий таълим тизимида ишлаганимга тўртинчи йил тўлмоқда. Бу қисқа вақт ичида олий таълимда фаолият кўсатиб келаётган профессор-ўқитувчилар тамонидан турли

мутахассизлик бўйича кую ва юқори кус талабаларига дарс бериб келаётган ўқитувчилар орасида бўлганлигим учун ҳам, таълим соҳасига кириб келган оддий бир ўқитувчи сифатида ўз фикир ва мулохозаларимни сизларга хавола қилмоқчиман. Мен дастлаб институтда иш фаолиятимни қалам тасвир ва ранг тасвир фанидан дарс беришдан бошладим. Мен талабаларга илқ бор дарс бериш учун 229 хонага киришим билан кўзим грек филосифларидан Сакрат ҳамда Италиянинг буюк хайкалтароши Миклоранджони ДАВИД хайкалига кўзим тушди. Мени талабалик дарим эсимга тушдида хаёлим бундан ярим аср олдинги давр кўз унгимдан ўта бошлади. Бир оз ўрнимда туриб ҳам қолдим. Ўша илимга чанқоқ йилларда бизга қалам тасвирдан (расимдан) дас берган мархум Салаховни ҳамда бизга таниш бўлган ўша Давид хайкали мени талабалик йилларимни эсимга солди.

Орадан ярим асир ўтишига қарамай олий таълимда бу соҳада ислохат суст олиб борилаётганига гувоҳ бўлдим.

Президентимиз такидлаганидек “Илм-маърифатга қизиқиши суст миллатнинг келажаги бўлмайди” деган даъватига амал қилган холда истиқлолга эришган кунларданок, таълим соҳасига ўзининг сиёсатини олиб бордики, натижада 1992 йилда “Таълим тўғрисида”ги қонун, 1994 йилда “Олий таълим концепцияси” эълон қилинди. Аммо шароит, бу тадбирларнинг тўлоқонли эмаслигини кўрсатди ва “Таълим тўғрисидаги қонун”ни янгилаш (такомиллаштириш)ни тақозо этди. Шундан келиб чиқиб 1997 йилнинг 29-августида Ўзбекистон республикасида таълимни тубдан ислох қилиш тўғрисидаги иккита: “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Албатта, сифатли мутахассис кадрлар тайёрлашни, зарур ҳужжатларга асосланган дастур ва концепциясиз тасавур этиб бўлмайди. Аввало, Олий таълим тизими. ва олий ўқув юртида замон талабига жавоб берадирган рақобатбардош мутахассизлар етиштириб чиқариш учун ҳар бир олигохни ўзига яраша базаси, профессор –ўқитувчилар жамоаси (састави) бўлиши керак албатта. АИКИ бу этабни вилоятда фаолият олиб бораётган олийгоҳлар тажрибасига суянган холда ўтади. Умуман олганда Республикадаги олигоҳлар, таълим ривожланган шаҳарлардаги олигоҳлар тажрибасига суянган холда, таълим методларини ташкил қилиш шакиллантиришдан бошлайдилар. Масалан мен дунёдаги таълим соҳаси ривожланган Италия, Япония, Сингапур каби, давлатларининг ўқитиш методикаларини ўрганиб чиқиб, сўнг уларнинг бой тажрибаларидан фойдаланган холда иш фаолиятимни давом эттиришни маъқул топган бўлар эдим. Сабаб бу давлатлардаги талим тизими кўп йиллик хатто асрларга тенг тажрибага эга. Янги Ўзбекистонда, олий таълимни ривожлантириш тадқиқодлари ва илгор технологияларини тадбиқ этиш мақсадида ташкил этилган

“Ўзбекистонда Олий Таълим” журналида С. Махсумованинг “Талабавларга эркинлик бериш” мавзусида ёзган мақоласини ўқиб чиқиб ўзимга таскил бергандай бўлдим. Ўзбекистонда билим олган талабалар бугун хорижда, Италиянинг нуфузли олийгоҳларидан бирида сабоқ олаётганидан АИКИ оддий ўқитувчиси сифатида

гурурландим. Мақолада Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти” Миллий тадқиқотлар университетининг Иқтисодиёт факултети бакалавр босқичини тамомлаган талаба К.Рискулова бугун Италиянинг Рим шаҳридаги Sapienza университети магистратурасида тахсил олаётганлиги хақида ёзган.

Мен тахсил олаётган университет дейди Комила 1303 йилда ташкил этилган бўлиб, Европа олий таълим муассалари рейтингида 139-ўринда туради. Бу ерда филология, фалсафа, иқтисод, тарих ва хаттоки тиббиёт йўналишлари бўйича ҳам мутахассислар тайёрлайди.

Ўтган 2022 йили университетда талабаларга академик мустақиллик берилганини гувоҳи бўлдим дейди қаҳрамонимиз. Яни таълим олувчи ўз қизиқишлари асосида фанларни танлайди. Университетда дарсларга 100 фоиз қатнашиш шарт эмас, сессия вақтида имтихонларни қандай топшириши муҳим. Яна имтихонлардан биринчи уринишда ўта олмаслик ҳам катта йўқатиш ҳисобланмайди. Чунки университетнинг ўқитиш методикаси бўйича бу фандан яна 4 марта қайта имтихон топшириш имконияти белгиланган. Яна магистратура босқичини 2 йилда тугатиш шарт деган қонун йўқ. Талаба ўз имкониятига қараб 5 йилда ҳам битириши мумкин. Бу Италиянинг Рим шаҳридаги Sapienza университетининг кўп йиллар давомида амалга оширилган кузатув илмий тажрибаларининг натижаси ҳамда таълим методикасини тўғри ташкил қилинганлигидан далолат беради. Япониядаги Vinkyō Gakuin университети шаҳар марказида жойлашган бўлиб, унда талабалар учун барча шароитлар яратилган. Шу асосда, олигоҳ ўз талабаларини ички тартиб қоидаларига роя қилган ҳолда ўз талабаларини сифатли таълим ва методикаси асосида таълим бериб келмоқда.

Таълим тизими, Ўзбекистондаги олий ўқув юртларидан кескин фарқ қилади. Университетда эрталаб, дарс бошланишидан ярим соат олдин масъул ходим бинога кириш дарвозасида ҳар бир талабани хуш кайфиятда “Хайрли тонг! Хуш келибсиз”, дея кутиб олиш кун тартибига киритилган. Бундан асосий мақсад талабанинг ўзига нисбатан бўлган ҳурмат ва қадрланишини ҳис қилдиришдан иборат. Япониядаги таълим тизимидаги муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, барча вазифалар дарс мобойнида ўқитувчининг кўрсатмалари асосида бажарилади, талабаларга диярли уй вазифаси юклатилмайди. Бунинг сабаби аввалги тизим, яни талабага кўплаб вазифаларнинг юклатилиши университетда самара бермагани учун бу усулдан (методдан) воз кечишга тўғри келган... Менга Ўзбекистондаги олий таълим муассалари фаолиятини ташкил этиш, самарадорлигини ошириш борасида қандай таклифларни билдирасиз дейилса, мен шундай деб жавоб берган бўлар эдим. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминловчи энг муҳим омил унинг кадрлари салоҳияти билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, таълим муассаларида профессор-ўқитувчиларни танлашда унинг илмий даражасидан ташқари, давр

талабига жавоб берадиган, замонавий билимларга, маърифат ва юксак маданиятга эга бўлган кадрлар сафини кенгайтириш керак деб жавоб берган бўлар, эдим.

1.Биринчидан: ўқитиш методикасини ривожланган давлатлар методикасидан фойдаланган холда иш режасини йўлга қўйиш,

2.Иккинчидан: Архитектура соҳаси бўйича ўқишга кириш имтихонлари мутахассислиги бўйича амалий фанлардан имтихон олишни кун таркибига киритиш ҳамда (антик даврдаги кўрғазмали қуролларни (хайкали) ва дунё ахлини лол қолдириб келаётган халқ усталарининг ганчкорлик ўймакорлик наъмуналари билан алмаштириш, юқори ўйғониш давридаги таниқли филосифлар хайкаллари дунё цивилизациясига хисса қўшган миллатнинг буюк алломолари сиймоси билан алмаштириш) янги методика асосида дарс ўтишни жорий қилиш,

3.Учинчидан: Хорижий мамлакат олигохлари тажрибаларидан фойдаланган холда талабаларга эркинлик бериш, Олийгоҳларда таълим берувчи профессор-ўқитувчиларнинг билим ва малакасини мунтазам равишда ошириб бориш ва баҳолаш тартибини йўлга қўйиш, сабаб профессор ўқитувчилар ўз фанини қанчалик чуқур ва мукамал билса, талабаларга ҳам шунчалик кўп билим бера олади. Ўқув жараёнларини ташкил қилишда асосан эътиборни бир йил назарий билимга, қолган йилларда амалётга, ўрганганларини синов-тажриба асосида мустахкамлашга қаратиш,

4.Тўртинчидан: Талабаларга ўз устида кўпроқ ишлаш ва махсус мутахассислиги бўйича фанларни ўзлаштириш учун дарс соатларини кўпроқ ажратилиш, сабаби рақобатбардош кадр бўлиш учун, албатта, соҳани пухта эгаллаган бўлиши шарт. Архитектура мутахассислиги бўйича абутурентларни кириш имтихонлари расм ва чизмачилик фанидан имтихон олишни олий таълим қайта кўриб чиқиш каби масалаларни ўртага ташлаган бўлар эдим. Афсуски бугунги кунда олий таълимда, архитектура йўналиши бўйича кириш имтихонлари она тилидан ҳамда математикадан имтихон олиш билан чегараланиш, ўқиш давомида катта муоммолар келтириб чиқишига сабаб бўлмоқда. Амалда қўлига қалам олмаган, тўрироғи бу соҳага умуман қизиқмаган талабадан ким кафалот беради замон талабига жавоб берадиган архитектор, чиқади деб. Афсуски ҳеч ким... Бу масалада мени шахсий фикрим ижобий эмас.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим соҳасида амалга оширилаётган истиқболли вазифалар ўзининг долзарблиги ҳамда амалий аҳамияти билан бошқа соҳалардаги ислохотлардан асло қолишмайди. Чунки ушбу соҳадаги юксалиш инсон ресурсларини ривожлантиришга боглиқ бўлиб, илм-фан, инновациялар ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш юртимиз келажаги ва тарақиётини белгилаб беради. Бу борадаги ишларни янада ривожлантиришга бугунги давр талабига жавоб берадиган, замонавий билимларга, юксак маданиятга эга кадрлар қанот бўлишига умид қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармони;
2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ
27.09.2023 й. N ПҚ-316;
3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ
03.07.2023 й. N ПҚ-200;
4. “Ўзбекистонда Олий Таълим” журнали